O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
№8 (761) 2024 йил 6 февраль, сешанба
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
uzbunyodkor | t.me/uzbunyodkor | uzbunyodkor | info@uzbunyodkor.uz | uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

# ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАРДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Ўзбекистонда ижтимоий давлат қуриш стратегик мақсад этиб белгиланган. Аҳоли турмуши учун муносиб шароитлар яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш бўйича барча чоралар кўрилмоқда.

Охирги етти йилда мактабгача таълимда қамров 27 фоиздан 74 фоизга етди. Янги мактаблар қурилиб, қўшимча 700 мингта ўқувчи ўрни яратилди. Президент мактаблари ташкил этилди, ихтисослаштирилган мактаблар кўпайди. Олий ўқув юртлари сони 200 тадан ошиб, қамрови 42 фоизга етди. Таълим ва тиббиётда хусусий секторга кенг йўл очилиб, сифатга интилиш пайдо бўлди.

Шу билан бирга, бу соҳаларда аҳоли билан ишлаш, стандартларни янгилаш ва рақамлаштириш борасида камчиликлар бор. Йиғилишда шу каби муаммолар таҳлил қилиниб, жорий йилги вазифалар белгиланди.

Барча мактабгача таълим муассасаларини миллий қадриятларимизга мос ўқув-методик материаллар билан таъминлаш, овқат таъминоти, давомат, бадал пули каби жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш зарурлиги таъкидланди. Боғча мудиралигига номзодларни саралаш ва лавозимга тайинлаш, тарбиячилар малакасини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Таълим соҳасида вазифалар жуда кўп. Шу боис ўтган ҳафтада Лойиҳа офиси ташкил қилинди ва унга катта илмий-амалий тажрибаси бор мутахассислар жамланди. Энди мазкур офис Таълимни ривожлантириш илмий-методик маркази билан биргаликда мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилайди. Ўқувчи ва муаллимлар билимини баҳолашда халқаро тажрибалар (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилади.

Президент мактаблари таълим дастури яна бир мингта мактабда қўлланади. Уларнинг моддий-техник базаси шунга мувофиқ яхшиланади. Мактабларга "тил эгалари"ни олиб келиш амалиёти кенгайтирилади.

Ёшлар мактаб давридаёқ, ҳеч бўлмаса, битта ҳунарни эгаллаб, катта ҳаётга қадам қўйса, ўз йўлини топади. Шу мақсадда 50 та касб-ҳунар рўйхати тузилиб, улар бўйича ўқув ва амалиёт дастурлари ишлаб чиқилади. Мактабларда устахоналар, тадбиркорлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тўгараклар ташкил этилади, "Касбий таълим устаси" лавозими очилади. Мактабдаги бўш жойлар тадбиркорларга ўқувчиларни касб-ҳунарга ўқитиш учун текин фойдаланишга берилади. Ўқув курсини тамомлаб, имтиҳондан ўтган ўғил-қизларга малака сертификати берилади.

Давлатимиз раҳбари мактаблардаги тарбия ва маънавият масаласига алоҳида тўхталди. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда "ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет" ҳосил қилиш зарурлиги таъкидланди. Мактаблардаги 2 мингта инспектор-психолог штати Ички ишлар вазирлигидан Миллий гвардия тизимига ўтказилиши белгиланди.

Дарслардаги давоматга, тарбияси оғир ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилади. Ота-оналар ва маҳалла раисларининг бу борадаги масъулияти оширилади. "Мактаб – ота-она – маҳалла" занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишга туширилади.

Ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқлар таҳлил қилиниб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш ва ижобий томонидан фойдаланиш чоралари кўрилади. Шунингдек, ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчил тилда қўлланмалар тайёрланади.

– Бу ташаббуслар йўлга қўйилса, мактаб таълими бўйича ота-онада масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади, – деди Президент.

Профессионал ва олий таълимдаги айрим йўналишлар ҳозирги меҳнат бозорига, технологик янгиланишларга мос эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Иш берувчиларда катта эҳтиёж, талабаларда салоҳият ва хоҳиш бор. Лекин уларни боғлайдиган узвий тизим йўқ.

Шу боис энди Касбий билим ва малакаларни ривожлантириш республика кенгаши ҳамда Меҳнат бозори тадқиқотлари институти таълим соҳасидаги Лойиҳа офисига бириктирилади.

Талаб юқори бўлган 100 та касб стандартлари Германия, Швейцария ва Буюк Британия тажрибаси асосида янгиланади. Бунда малака талаби иш берувчи эҳтиёжига мослашади. Профессионал таълим устозларига янги стандартлар бўйича ўқитиш талаблари қўйилади.

Янги ўқув йилидан бошлаб, техникумларда ўқитиш "академик" ва "ишчи касб" компонентларининг узвийлигини таъминлайдиган янги тизим асосида йўлга қўйилади. Бунда коллеж-техникумнинг 1-2-курсидаги таълим дастурлари, дарсликлар, билимни баҳолаш мезонлари ва муаллимларга талаблар олийгоҳлар билан бир хил бўлади.

Техникумларда ҳам "кредит тизими" жорий қилиниб, фанни ўзлаштириш бўйича тўпланган "кредитлар" олийгоҳларда тан олинадиган тизим бўлади. Яъни, коллеж-техникумда икки йил давомида етарли "кредит" тўплаган ўқувчилар "2+2" ёки "2+3" дастурлари асосида олийгоҳларнинг иккинчи ёки учинчи курсларида таълимни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Коллеж-техникумда ўқиб, фаолиятини ишлаб чиқаришда давом эттирмоқчи бўлганларнинг соҳадаги мавқеини ошириш бўйича ҳам янги тизим йўлга қўйилади. Энди коллеж-техникумда "ишчи касб" йўналишида ўқиганлар икки ёки уч йил ишлаб, тажриба орттирганидан кейин, имтиҳон топшириб, бакалаврга тенг малака даражасини олиши мумкин.

Мутасаддиларга хорижий тажриба асосида олийгоҳ, техникум ва коллежни бир-бирига боғлаш шартлари ва тартибини ишлаб чиқиш топширилди. Олий таълим муассасаларига мақом беришнинг аниқ мезонларини белгилаш, бакалавр йўналишларини мақбуллаштириш, таълим дастурларини дунёдаги 300 та энг яхши олийгоҳ дастури асосида янгилаш вазифаси қўйилди.

"Эл-юрт умиди" жамғармаси Президент Администрацияси ҳузурига ўтказилиб, хорижда ўқиш бўйича янги тизим жорий этилиши белгиланди.

Аҳоли ҳаётида катта ўрин тутадиган соҳалардан бири бу соғлиқни сақлаш. Йиғилишда бу борадаги долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бирламчи тиббиёт тизимида сифат ва мутахассислар етишмаслиги қайд этилар экан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига соҳадаги барча вакансияларни онлайн платформага жойлаштириб, кадрларни ишга олиш бўйича шаффоф тизим яратиш топширилди.

Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, аввало, қишлоқлар аҳолисига хизмат қилиши кераклиги таъкидланди. Уларни бирламчи бўғин билан боғлаш, иш тизимини рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Касалликларни эрта аниқлаш мақсадида эндиликда хавф гуруҳига кирувчи аҳолини юрак-қон томир, онкология ва эндокрин касалликлари скринингидан ўтказиш тизими ўзгартирилади. Бунинг учун республика кардиология, эндокринология, онкология марказлари масъул бўлади.

Шунингдек, онкология бўйича ҳар бир эрта аниқланган ҳолат учун тиббиёт бригадаларига мукофот бериш жорий қилинади. Бу тажриба 1 майдан Қашқадарёда бошланади ва келгуси йилдан бошқа ҳудудларда йўлга қўйилади.

Хорижий экспертлар жалб қилиниб, эскирган клиник протокол ва стандартлар халқаро мезонларга мослаштирилади. Касаллиги енгил беморларни дори билан эмас, иммунитетни кўтарувчи табиий воситалар, жисмоний машқ ва фитотерапия билан даволаш кенгайтирилади.

Тиббиёт соҳасидаги 23 та марказ, 12 та олийгоҳ, 2 та малака ошириш марказига замонавий менежерлар ишга олиниб, халқаро аккредитациядан ўтказилади. Бунинг натижасида шифокор ва ҳамширалар янгича ўқитилади, даволаш сифати ошади, дори ёзиш камаяди, энг муҳими – ривожланган клиникалар муҳити кириб келади.

Сўнгги икки йилда тиббиёт соҳасини рақамлаштиришга бюджетдан 90 миллиард сўм йўналтирилди. Бунинг натижасида аҳолига кўплаб қулайликлар яратилди. Энди "Электрон поликлиника", "Электрон шифохона" ва "Электрон тиббий карта" тизимлари ишга туширилади. Кафолатланган пакетга кирган дориларни электрон рецепт асосида бериш йўлга қўйилади. Вилоят шифохоналари ҳам электрон йўлланма тизимига уланади.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир она ва бола ўлимига "фавқулодда ҳолат", деб қараш кераклигини таъкидлади. Туғруқхоналарни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ҳомиладор ва туғруқ ёшидаги аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, доя ва ҳамшираларни қўшимча ўқитиш бўйича топшириқлар берилди.

Маданият соҳасида аввал белгиланган вазифалар ижроси таҳлил қилинди. Ҳар бир туманда кинозали, кутубхонаси ва тўгарак хоналари бўлган маданият маркази барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирлар ўтказиш ва ёшларни санъатга жалб қилиш масалалари кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, маҳаллаларни оммавий спорт туридан бирига ихтисослаштириш, ҳудудлар ва республика миқёсида мусобақалар ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди.

Шу йил Парижда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Спортчиларнинг йўлланмаларни қўлга киритиши ва мусобақаларга яхши тайёргарлик кўриши учун барча шароитлар яратилиши айтилди. Уларни чуқурлашган тиббий кўрикдан ўтказиш, фармакология ва диетология жиҳатидан сифатли таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти эшитилди.

**ЎзА.**

# "Боқий Бухоро" тарихий-этнографик парки барпо этилади



**Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, юқори сифатли сервис хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш, тарихий меъморчилик анъаналарини давом эттириш, яшил боғлар ва сайилгоҳларни кўпайтириш мақсадида кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоро шаҳрида "Боқий Бухоро" тарихий-этнографик парки барпо этилади. Мазкур паркнинг яратилишидан кўзланган бош мақсад – қадим Бухоронинг бой тарихи ва маданиятини, ноёб моддий ва номоддий маданий меросини асраб-авайлаш, уни янада кенгроқ тарғиб этишдир.**

Тарихий-этнографик парк ҳудудидан Бухоро анъанавий меъморчилиги дурдоналари ва замонавий шаҳарсозлик услублари уйғунлигини ўзида ифода этган объектлар, жумладан, этнографик музей, Бухоро воҳаси учун хос бўлган тарихий маҳаллалар, аҳоли учун хизмат кўрсатувчи чойхоналар ва миллий таомлар тамаддихоналари, анъанавий дренаж тизимлари – ариқ ва ҳовузлар, ҳунармандлар расталари, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, кулолчилик, наққошлик, пичоқчилик каби амалий санъат устахоналари ўрин олади.

– Мажмуа марказида, шунингдек, мусиқали фаввора ҳам ташкил этилиши кўзда тутилган, – деди Бухоро вилояти бош архитектори Зуҳриддин Муҳиддинов. – Этнографик парк барпо этилишида халқаро экспертлар гуруҳи ва маҳаллий мутахассислар жалб этилади. Бу ҳудуддаги барча ишлар ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан 1972 йил 16 ноябрда қабул қилинган Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофазаси бўйича конвенция талаблари асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган асрнинг 20-йилларида Михаил Фрунзе бошчилигидаги "қизил армия" қўшинларининг ҳужуми оқибатида Бухоронинг кўплаб, тарихий обидалари вайрон қилинган. Жумладан, шаҳардаги асрлар давомида хизмат қилиб келган ариқ ва ҳовузлар кўмилиб кетгани бу ҳудуддаги дренаж тизимига салбий таъсир кўрсатган. Янги этнографик парк мазкур йўқотилган маданий бойлигимизнинг намуналари саналган қадим дренаж тизимларини қайта тиклаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб қолади. Қачонлардир ташландиқ ҳолатда бўлган ҳудуд ўрнида гўзал ландшафт қад ростлайди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, ушбу барпо этилажак парк ҳудудида кўкаламзорларнинг кенгайтирилиши ҳам режалаштирилган. Бундай ёндашув ўз навбатида ушбу масканда ва қолаверса, Бухоро воҳасида микроиқлимни таъминлаш, "яшил йўлак"ни яратиш ва бугунги кундаги долзарб экологик муаммолардан бирига айланган чўллашув ҳамда ерларнинг шўрланиши каби таҳдидларнинг бартараф этилишида улкан аҳамият касб этади. Бу лойиҳа асосида мўлжалланган ҳудуднинг учдан икки қисмида Бухоро аҳолиси ва меҳмонлар сайр қилиши учун муҳташам сайилгоҳ (яшил боғ) бунёдга келиши мўлжалланган. Бунда лойиҳа ҳудудида "Яшил Бухоро" дастурига мувофиқ илгари ташкил этилган майдондаги дарахтлар ва яшиллик қиёфаси тўлиқ сақлаб қолинади ҳамда янги боғ манзараси сифатида янада бойитилади.

Бир сўз билан айтганда, "Боқий Бухоро" тарихий-этнографик паркининг бунёд этилиши нафақат юртимиз кўп асрлик ва бой маданий-тарихий қадриятларини жаҳон ҳамжамиятига кенг танитишга хизмат қилади, балки глобал миқёсдаги экологик мувозанатни сақлаб қолишга ҳам муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

Янги парк Ўзбекистоннинг умумжаҳон маданий мероси объектларининг бемисл универсал ва умумбашарий қийматини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг яна бир тасдиғи бўлади.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қурилиш соҳасида қонунийлик таъминланади

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида қурилиш соҳасида қонунийликни таъминлаш ҳамда рақамлаштиришга доир вазифалар ижроси юзасидан идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.**

Бош прокурор Ниғматилла Йўлдошев раислигида ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йил 29 январь куни ўтказилган селектор йиғилишида берилган топшириққа мувофиқ, қурилиш соҳасида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, янги назорат механизмларини амалиётга жорий этиш ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасида долзарб чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Видеоселектор тарзида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, Ҳукумат аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Жойлардан вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этди.

Бош прокурор кун тартибидаги масалалар юзасидан маъруза қилиб, кейинги 7 йилда 300 минг хонадонли 9 мингдан ортиқ кўп қаватли уйлар, 22 мингга яқин сервис-хизмат кўрсатиш, 12 мингта ижтимоий соҳа, 32 мингта бошқа объектлар янгидан қурилгани ва реконструкция қилинганини қайд этди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар кўлами йилдан-йилга кўпайиб, қарийб 33 триллион сўмга етган ёки 2016 йилга нисбатан беш бараварга ошган.

"Шаффоф қурилиш" дастури яратилиб, лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг рейтингини юритиш йўлга қўйилди.

Йиғилишда Президентимиз томонидан қурилишда бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган янги тизим белгилаб берилгани таъкидланди.

Шу боис бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш устидан самарали назорат тизимини жорий қилиш механизмлари белгилаб олинди. Бунинг учун Бош режаларни ишлаб чиқиш харажатларини тартибга солувчи ҳужжатни янгилаш ва бугунги замон талабларига мослаштириш зарур.

Бош режаларга риоя этилиши бўйича назоратни жонлантириш, фаолият самарадорлигини ошириш, "Қурилиш ресурслари миллий классификатори" электрон платформасини тўлиқ ишга тушириш мақсадга мувофиқ. Халқаро молия институтлари маблағи ҳисобидан қуриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш, Қурилиш вазирлиги ҳузурида ташкил этилаётган Лойиҳа офиси фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, техник назоратчиларнинг малака оширишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва натижадорликни ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Муҳокамалар жараёнида соҳадаги қолоқликлар ва қонунийлик тўла таъминланмаган соҳа раҳбарлари ва масъулларнинг тушунтиришлари эшитилди ҳамда улар фаолиятини тўғри ва самарали йўналтирмаса, жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди, деб хабар қилади ЎзА мухбири Норгул Абдураимова.

Йиғилиш якунига кўра, қурилиш масалаларига алоқадор вазирлик ва идораларда бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда янги назорат механизмларини жорий этиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва бошқа зарур чора-тадбирлар бегилаб олинди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (761) 2024 йил 6 февраль



# Иншоотлар сифатли, мустаҳкам ва кўркам бўлиши зарур

**Мамлакатимизда кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизими такомиллаштирилиб, ундан самарали фойдаланиш ва таъмирлаш, уларга туташ ер участкасини ободонлаштириш ишлари изчил амалга ошириляпти. Шундай мақсадли лойиҳа доирасида вилоятимизда ҳам уй-жойлар жойлашган ҳудудлар очиқ танлов ўтказиш йўли билан бошқарувчи ташкилотларга бириктирилди. 24 соат мобайнида фаолият юритадиган диспетчерлик ва авария вазиятларини бартараф этиш хизмати ташкил этилди. 2022 – 2025 йилларда уй-жойларни мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича режалар белгиланди. “O‘zbekiston bunyodkori” газетаси мухбири Муҳиддин МАҒЗУМОВ ўтган даврда ҳудудда бу борада бажарилган ишлар ҳақида Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Дилшод МИРХАНОВ билан суҳбатлашди.**

**– Дилшод Абдуллаевич, аввало, соҳада ўтказилаётганислоҳотлар моҳиятига тўхталсангиз.**

– Энг аввало, барча жараёнлар очиқлик асосида ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Маълумки, кўп квартирали уйларда ўзбошимчалик билан қайта қуриш ишлари ва уларнинг атрофида эса ноқонуний қурилмаларни барпо этиш ҳолатлари бирмунча кўпайиб бораётганди. Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги “Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ана шундай иллатларга барҳам беришда муҳим дастуриламал бўлди. Яъни, шаффофлик тамойили асосида танланган бошқарувчилар йилда бир марта кўп квартирали уй-жойлардаги таянч ва тўсиқ конструкциялар (умумий мол-мулк) бутлигини хатловдан ўтказиши ҳамда Уй-жой фонди инспекциясига маълумот киритиб бориши белгилаб қўйилди. Улар ҳар ярим йилда мажбурий бадалларнинг тушуми ва кўп квартирали уй-жойни бошқариш бўйича харажатлар тўғрисида мулкдорларга ҳисобот бериб боради. Кўп квартирали уй-жойга туташ ҳудудларда янги объектларни қуриш учун уй-жой мулкдорлари ёки улар вакилларининг 80 фоизидан кўпроғи овоз бериши керак.

Уй-жой фонди инспекцияси мулкдор томонидан олиб борилаётган қайта қуриш ва қайта режалаштириш ишлари ҳолатини назорат қилиш мақсадида, ушбу уй-жой мулкдорлари ёки бошқарувчиларидан келиб тушган мурожаатга асосан мазкур ишларни олиб бораётган мулкдорни олдиндан хабардор қилган ҳолда, унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жой ёки нотурар жойга бошқарувчи билан бирга кириш ваколатига эга. Қолаверса, қурилиш (реконструкция) лойиҳасидан четга чиқиш ҳолатлари бўйича аниқланган камчиликлар ёки ушбу объектларни фойдаланишга қабул қилиш жараёнида йўл қўйилган ҳуқуқбузарликлар юзасидан айбдор шахслар ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га ҳуқуқий баҳо бериш учун тегишли материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга доимий равишда тақдим этиб боради.

**– Қурилиш, таъмирлаш ишларида пудратчиларни аниқлаш тартибига изоҳ берсангиз.**

– 2023 йилда вилоят миқёсида таъмирлаш бўйича 13 та ва ободонлаштириш ишлари учун 14 та уй-жойнинг манзилли рўйхати шакллантирилган эди. Булар қаторига Поп туманида 1 та, қолган барча ҳудудларда 2 тадан объект киритилган. Ушбу ишларни амалга оширилиши юзасидан буюртмачи сифатида вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси белгиланган. Ажратилган 3 млрд 176,7 миллион сўм маблағ ҳисобига 51 та кўп қаватли уй-жой мукаммал ва жорий таъмирланди.

Лойиҳачи ва пудратчи қурилиш ташкилотларини аниқлаш учун tender.mc.uz портали орқали эълон берилиб, ғолиблар аниқланди. Объектлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ижобий экспертиза хулосалари олинди. Шу асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Рўйхатдаги барча уй-жойларда мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари якунланиб, белгиланган тартибда фойдаланишга топшириш ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди.

Хусусан, “Янги Наманган” шаҳарчасининг 2-босқичини барпо этилиши бош режага мувофиқ 54 та лотга ажратилиб, ер майдонлари E-auksion.uz савдо электрон платформаси орқали савдога чиқарилди. 12 та лотдан 33 та турар жой биноси ҳамда 2 та олий таълим муассасаси савдога чиқарилиб, хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар ғолиб деб топилди. Масалан, “Hua cheng estate development” МЧЖ ХК, “Статус Бест Строй” МЧЖ, “New City New Home” МЧЖ, “Жаҳон қурилиш таъмирлаш” ХК, “Оромгоҳ қурилиш сервис” МЧЖ, “Сардорбек Арслонбек” МЧЖ, “Mega Aziya Dizayn Stroy”, “Ровустон Бетон” МЧЖ, “New standart alpha group” МЧЖ шулар жумласидандир. Бугунги кунда мазкур ташкилотлар қурилиш жараёнининг турли босқичларини – контейнерларни келтириш, ер текислаш, пойдеворни қазиш, арматура тўқиш ва бетон қуйиш ҳамда зарур материаллар захирасини жамлаш каби юмушларни давом эттиришмоқда. Шунингдек, 9 қаватли объектнинг 5-, 6-қаватини қураётганлар ва подвал қисмини изоляция қилаётганлар ҳам бор.

Бундан ташқари, Давлатобод туманидаги “Янги Ўзбекистон” боғида ободонлаштириш, ташқи коммуникация, йўл, стелла, амфитеатр, спорт майдонлари, 5 та кафе-ресторан ва миллий ўйинлар майдонларини ташкил этиш юзасидан “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДУК буюртмачилигида архитектура режалаштириш топшириғи (АРТ) ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, 2022 йил 23 июлда электрон тендер орқали умумий 89,6 балл билан лойиҳачи “Ултра гроуп” МЧЖ 3 млрд 273 млн сўмга ғолиб деб топилиб, 103841-сонли ғолиблик баённомаси расмийлаштирилди. Ғолиб томонидан “Янги Наманган” шаҳарчаси ҳудудидаги 68 гектарда “Янги Ўзбекистон” боғини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Мазкур масала бўйича 2023 йилнинг сентябрь ойида вилоят ҳокими ҳузурида Туркиянинг “Outdoor Factory” лойиҳа компанияси менежерлари Ҳакан Бесселиоғлу ва Ҳусейин Авни Гучлу ҳамда видеоалоқа шаклида ширкат дизайнер-меъмори Синан Тураман иштирокида “Янги Ўзбекистон” боғи марказида қад ростлайдиган стелла лойиҳаси тақдимоти ўтказилди. Ушбу лойиҳада сунъий кўл, фаввoралар, 2 500 ўринли амфитеатр, автотурарггоҳ, савдо шохобчалари, болалар боғчаси, шунингдек, кўплаб инфратузилма иншоотлари барпо этилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари 3-босқичда ишлаб чиқилди.

**– Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш босқичларини батафсил келтириб ўта оласизми?**

– Биринчи босқичда ер ишларини бажариш ва амфитеатр биносини қуриш режалаштирилган. Пудрат ташкилотини аниқлашга 2023 йил 10 апрелда электрон платформа орқали эълон берилган, аммо қурилиш пудрат ташкилоти қатнашмаганлиги сабабли ретендер бўлган. 2023 йил 5 майда қайта тендер савдолари ўтказилди ва 24 майда 13 млрд 155,4 млн сўм таклифи билан “Kelajak zamon sardori” МЧЖ ғолиб деб топилди. Иккинчи босқичда ташқи, ички ичимлик ва оқова сув тармоқларини тортиш ишлари, ҳудуддаги пиёдалар йўлаклари ҳамда кўкаламзорлаштириш майдонларини суғориш тизими, муҳандислик тармоқлари лойиҳаси тўлиқ ишлаб чиқилди. Пудрат ташкилотини аниқлашга 2023 йил 4 декабрда электрон платформа орқали эълон берилиб, 2023 йил 21 декабрда 37 млрд 212,9 млн сўм таклифи билан “Обиджон Акмалхон ҳамкор” МЧЖ ғолиб бўлди.

Учинчи босқичда эса боғ атрофидаги автомобиль йўллари лойиҳалари (2,2 километр) ва сунъий кўл ҳавзаси, футбол, баскетбол ва теннис майдонлари, кийим алмаштириш хоналари, дўкончалар ҳамда санитария-гигиена хоналарини қурилиши учун лойиҳа смета-ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Пудрат ташкилотини аниқлашга 2023 йил 27 ноябрда электрон платформа орқали эълон берилиб, 2023 йил 13 декабрда 40 млрд 297,7 млн сўм таклифи билан “Бунёдкор Мубошер” МЧЖ ғолиб деб топилди.

Умумий тендер якунларига кўра, 1-, 2- ва 3-босқичлардаги бунёдкорлик ишларига жами 90 млрд 666 млн сўм пул маблағлари сарфланади. Биринчи босқич бош пудратчиси “Келажак замон сардори” МЧЖ томонидан объектда лойиҳани натурага кўчириш, “ЎзГАШКЛИТИ” МЧЖнинг вилоят филиали томонидан чегара қозиқлари қоқилиб, амфитеатр биносида ер, фундамент ва монолит колонналарга армокаркас тайёрланиб, бетон қуйиш ишлари 100 фоизга, монолит ости балкалари 90 фоизга, ораёпма ғишт териш ишлари, ўриндиқ ости монолит қуйиш ишлари, сантехника, канализация ишлари 100 фоизга, ёнғин хавфсизлиги тизими тармоқлари 100 фоизга, 5 та блокнинг ички хоналарида бетон қуйиш ишлари ҳам 100 фоизга бажарилди. Умумий бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қиймати 10 млрд сўмни ташкил этиб, 7,5 млрд сўм маблағ молиялаштирилиб берилди.

**– Вилоятда аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурининг ижроси қай даражада бўлмоқда?**

– Бу борада 2023 йил 13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони эълон қилинди. Шунга мувофиқ, ипотека дастури доирасида аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 25 та массивда 77 та (3 574 та хонадонли) кўп қаватли уй қурилади ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш давом эттирилади. Поп ва Чуст туманларидаги “Янги Ўзбекистон” массивларида 30 та (600 та хонадонли) ҳамда шаҳар, туманларда хусусий тадбиркорлар томонидан 47 та (2 974 та хонадонли) кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бошқача айтганда, 2023 йил уй-жой қуриш дастури доирасидаги кўп қаватли уйларни қуриш режаси тўлиқ бажарилди.

**– Маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини янада ривожлантириш аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Бу борада қандай ишлар бажарилди?**

– Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сонли қарори ижроси асосида 2023 йил дастури бўйича вилоятда қуриладиган объектлар рўйхати шакллантирилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда тасдиқланди. Шунга биноан ўтган йилда 16 та умумтаълим мактаби, 13 та мактабгача таълим муассасаси, 9 та соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассаса, 1 та олий таълим, 17 та ичимлик суви таъминоти ва оқова сув, 1 та иссиқлик таъминоти, 10 та ирригация ва мелиорация тармоқлари ҳамда бошқа йўналишдаги 12 та объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ижобий экспертиза хулосалари олинди. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишда пудратчиларни аниқлаш бўйича белгиланган тартиб асосида тендер тадбирлари олиб борилиб, қурувчи-пудратчилар аниқланди ҳамда улар билан шартномалар расмийлаштирилди.

Кейинги йилга ўтувчи 10 та объектдан ташқари, таъкидлаб ўтилган барча қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб объектлар фойдаланишга топширилди.

**– 2024 йилда қандай бунёдкорлик ишлари амалга оширилади?**

– “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш 2024 йилда ҳам жадал давом эттирилади. 2023 йил 25 декабрда айнан шу мақсадда Президентимиз “2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, вилоятимизда жами 828,9 млрд сўмлик 119 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Мазкур объектларнинг 23 таси янги қурилади, 87 таси реконструкция қилинади ва 9 таси мукаммал таъмирланади. Шулардан айримларини таърифлайдиган бўлсак, 95 таси янгидан бошланувчи, 24 таси эса йилдан-йилга ўтувчи объектлардир.

Жумладан, Чуст туманидаги “Наманган” ЭИЗ Сабзазор массиви ҳудудида ички йўлларни қуриш, Тўрақўрғон туманидаги “Наманган” ЭИЗ Ибрат массиви ҳудудида ички йўлларни, оқова сув тармоқларини қуриш ва Поп тумани Сирдарё, Чодак-1 ва Чодак-2 насос станцияларини реконструкция қилиш, Наманган туманидаги Хонариқ каналининг “ПК-14+00” дан “ПК32+00” гача қисмини, Наманган туманидаги Катта Наманган туманлараро каналини реконструкция қилиш ҳамда Чуст туманидаги “Наманган” ЭИЗ ҳудудидан Поп темир йўл станциясигача 12 километр темир йўл тармоғини қуриш кабилар шулар жумласидандир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қурилаётган бино-иншоотлар, инфратузилма объектлари ва олиб борилаётган таъмирлаш ишлари замон талаби даражасида сифатли, кўркам ҳамда мустаҳкам бўлишига асосий эътибор қаратилади. Зеро, бу омил фаолиятимизнинг муҳим шиоридир.

**– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!**

---

## Янгича ёндашув ўзини оқлаяпти

**Шокир ИЛМУРАТОВ,** “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.



**Бугунги давр қурилиш ҳужжатларини экспертизадан ўтказувчи мутахассислар олдига ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Бошқача айтганда, объектларни барпо этишда қурувчи ва лойиҳачилар билан бир қаторда лойиҳалар ва қурилиш жараёнини назорат қилиб борувчи орган вакиллари ҳам синчковлик билан ишлаши лозим.**

Масалан, шаҳарсозлик соҳасига рақамлаштириш тизимининг жорий этилиши бу йўналишдаги ишлар кўламини янада оширишни тақозо этаётир. Чунки идоралараро электрон ҳамкорлик ва қурилиш жараёнининг барча босқичларини рақамлаштириш буюртмачи ҳамда экспертиза ташкилоти ўртасида тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли яқинда “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилиб, янги фармонга кўра, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги давлат муассасаси шаклидаги “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМга айлантирилди ва у бугун кутилган самарани бермоқда. Мисол учун, ўтган йили Самарқанд вилояти бўйича 3066 та умумий қурилиш нархи 5 трлн сўмдан зиёд бўлган лойиҳа экспертизадан ўтказилган. Бу жараёнда лойиҳа ечимлари такомиллаштирилиб, норма талабларига мослаштирилгач, уларда назарда тутилган асоссиз маблағларни чиқариб ташлаш натижасида 365 миллиард сўмга яқин маблағ тежаб қолинди. Ёки “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилишига оид 8 та лойиҳанинг экспертизадан кейинги маблағи 11 миллиард сўмга қисқартирилди. “Очиқ бюджет” лойиҳаси учун ажратилган маблағлардан 16 миллиард сўми ошириб кўрсатилганлиги аниқланди. 2024 йилги инвестиция дастурига киритилган 91 та лойиҳанинг қиймати сезиларли даражада қисқартирилгани ҳам ишга янгича ёндашувнинг натижасидир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, қўшимча қурилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш жараёнида ҳам қатнашяпмиз. Бунда самарқандлик мутахассисларга бошқа вилоятлар лойиҳалари, Самарқанддаги лойиҳалар эса бошқа вилоятлар экспертларига юборилаётганлиги ижобий натижа бермоқда. Бу, бир йўла “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини ҳам амалга ошириш бошланганидан далолатдир.

---

## Қурилишда назорат биринчи ўринда

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Маълумотларга кўра, республикамизда 2016 йилга нисбатан қурилиш объектлари сони 4,5 баробар ошди. Шу қаторда Хоразм вилоятида ҳам қурилиш объектлари сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Мазкур йўналишдаги муҳим вазифа қурилишнинг сифати ва хавфсизлиги ҳисобланади.**

2023 йил вилоятда 3000 га яқин қурилиш объекти рўйхатга олинган. Уларнинг барчасида тегишли назорат ишлари амалга оширилди. Вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ёзма кўрсатмалар берилди ҳамда уларнинг кўпчилиги бартараф этилди.

– Ўтган йилда ҳудудий инспекциядан рўйхатдан ўтган объектларнинг 310 таси давлат объекти бўлиб, уларда белгиланган тартибда мониторинг олиб борилди, – деди инспекция ҳуқуқшуноси Темур Каримов. – Яъни, 5200 та мониторинг, 9 мингдан ортиқ ёзма кўрсатма, 514 та “Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг тегишли моддаларида белгиланган қисмлари бўйича жавобгарлик, маъмурий жарима қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 520 тадан ортиқ инспекция рўйхатдан ўтмасдан ўзбошимчалик билан қурилган объект аниқланган бўлиб, 234 таси белгиланган тартибда маъмурий жаримага тортилди. 170 таси эса рўйхатдан ўтказилиб, қолганлари мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида суд органларига даъво аризалари юборилди.

Таъкидлаш керакки, уй-жойларни барпо этишда қурилиш материалларининг сифатига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Озгина эътиборсизлик, сифатсиз қурилиш материалларини ишлатиш иморатнинг эрта бузилишига олиб келади. Бунинг олдини олиш учун эса махсус синов лаборатория текширувлари талаб этилади. Бунда бетон маркаларининг чидамлилик даражаси, арматура, қум, шағал, ғишт каби маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичи учун белгиланган талаблар мавжуд. Ҳудудий назорат инспекцияларига қарашли лабораторияларда бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилмоқда.

– Ўтган йили жами 1040 та объектда қурилиш назорат ишларини амалга ошириш бўйича синов шартномалари имзоланган, – деди қурилиш синов лабораторияси бош мутахассиси Зафарбек Муродов. – Шулардан 10 фоизга яқин объектда ҳали қурилиш ишлари бошланмаган. 20 фоиз объектда эса қурилиш меъёрлари бузилганлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш ишлари ҳажми ортиши билан қонун бузилишларнинг олдини олиш, объектларни сифатли барпо этиш ва биноларнинг инсонлар учун хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора долзарблашиб бормоқда. Бу каби ўрганиш ва текширувлар эса келгусида иморатларнинг узоқ йиллар ўз эгаларига хизмат қилишини таъминлайди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

# “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази замонавий бинода

**Азиз МАШРАБОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилганидан хабарингиз бор. Эътиборлиси, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада оширишда туман (шаҳар)-ларда ўтган йилнинг 15 октябридан “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолият кўрсата бошлагани айни муддао бўлмоқда.**



Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида замонавий шароитларга эга “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази фойдаланишга топширилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига асосан, жойларда аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгиланди. Шунга асосан, эндиликда оғир аҳволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади. Ушбу марказлар ҳар бир хонадон аҳволини ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, оилаларнинг ижтимоий паспортларини шакллантириш ишларини амалга оширади.

Шунингдек, Президентимизнинг 2023 йил 28 сентябрдаги “Аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, тажриба тариқасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Сурхондарё вилоятида дастлаб Узун туманида 2023 йил октябрь ойида ва бугунги кунда Термиз шаҳрида иш бошланган. Босқичма-босқич бошқа туманларда ҳам очилиши режалаштирилган.

Ҳозирда Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги 59 та МФЙда 20 нафар, Термиз шаҳридаги 37 та МФЙда 18 нафар ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу ходимлар уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ҳолатини ўрганган ҳолда иқтисодий аҳволни таҳлил қилмоқда. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш ҳамда маълумотларни тақдим этиш ишлари самарали ташкил этилмоқда.

– “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар томонидан 49 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилади, – деди марказ ходими Зафар Наримонов. – Энди ҳududдаги 18 нафар ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун 2 нафар ижтимоий ассистент бириктирилган.

Тадбир давомида иштирокчилар марказда яратилган шароитлар билан танишиб, ходимлар билан суҳбатлашишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

# Гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази қурилмоқда

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президентимизнинг ПҚ-449-сонли қарорида Нукус шаҳри, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида Гимнастика спорт турларига тайёрлаш марказларини қуриш белгиланган.**

Ушбу қарорга асосан, Нукус шаҳрининг “Темир жол” МФЙ ҳудудида Гимнастика спорт турларига тайёрлаш маркази қурилиши бошланди. Бунёдкорлик ишлари учун 75 млрд 315 млн сўм маблағ ажратилган бўлиб, иншоот фойдаланишга топширилгандан кейин гимнастика спорт турларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши таъкидланмоқда.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда Президентимиз томонидан ёшларнинг соғлом фикрли, жисмоний чиниққан, баркамол авлод бўлиб камолга етишига, айниқса, улар орасидан юртимиз байроғини дунёга танитадиган спортчиларнинг чиқишига улкан эътибор қаратилмоқда. Янги иншоот қурилишининг бошланиши ушбу йўналишдаги ишларнинг амалий кўринишидир.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

# Ватанпарварлик ҳисси билан

**Ҳамза ШУКУРОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Ўзбекистон Республикасининг “Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида”ги Қонунида аҳолига намунали коммунал хизматлари кўрсатиш белгилаб қўйилган.**

Айтиш керакки, илгари кўп қаватли уйлар асосан шаҳар ҳудудларида бўлар, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳам шунга монанд равишда фаолият юритарди. Эндиликда хизмат кўрсатиш даражаси ўзгарди. Янгидан фаолияти йўлга қўйилган бошқарув сервис компаниялари зиммасига катта масъулият юкланди. Барча юмушларни сифатли бажариш эса соҳа ходимларини янада ишчанликка ундамоқда.



Бошқа ҳудудлардаги сингари Тайлоқ туманида ҳам кейинги йилларда кўп қаватли уй-жойлар қурилишига жиддий эътибор қаратилди. Илгари Боғизоғон, Боғичинор, Жумабозор маҳаллаларидаги мавжуд кўп қаватли эски биноларга хизмат кўрсатиларди. Яқиндан бошлаб туман марказидаги Чароғбон маҳалласида “Агромир-Буилдинг” МЧЖ бунёдкорлари томонидан 17 та 12 қаватли уй-жой барпо этилди. Бундан ташқари, яна 10 дан ортиқ 5 қаватли уйлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда истиқомат қилувчилар юқори сифатли коммунал хизматига эҳтиёж сезишарди. Бу эса “Янги Тойлоқ бошқарув сервис” МЧЖ зиммасига юксак масъулият юклади.

Тасаввур қилинг, 17 та 12 қаватли ва 10 дан ортиқ 5 қаватли уйларда озмунча аҳоли яшайдими? Улардан бирининг ичимлик сувига, иккинчиси иссиқликка, бошқасининг электрга ёки табиий газга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг ўзи бўладими? Яна бир томони, қишлоқ шароитида хизмат кўламини яхшилашга интилаётганларнинг кўп қаватли уйлардаги бундай юмушлар билан шуғулланишга имконияти, тажрибаси етарли деб бўлмайди. Аммо янгичасига ишламасдан, аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатмасдан ҳақиқий ватанпарварликка эришиб бўлмайди. Ўйлаб кўрилса, нимаики қилинмасин, қандай вазифалар бажарилмасин, бундай меҳнат замирида биринчи навбатда, Ватан келажаги, одамларнинг бахт-саодати, эл-юрт тўкинлиги намоён бўлади.

– Ана шундай мақсадда ишлаяпмиз, – деди “Янги Тойлоқ бошқарув сервис” МЧЖ раҳбари Анвар Қурбонов. – Ходимларимиз билишадики, аҳолига кўнгилдагидек коммунал хизматни йўлга қўйиш, уларнинг талаблари даражасида ишни ташкил этиш кўнгиллардаги ватанпарварлик ҳисларининг юзага чиқишида муҳим омилдир. Чунки кўрсатилаётган хизмат кўламининг яхшиланиши одамлар турмушининг гўзаллашишига, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашларига сабаб бўлади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

# “Сулаймон” МФЙ янада обод бўлади

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,** журналист.

**Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги “Сулаймон” маҳалла фуқаролар йиғинида “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.**

Жумладан, бугунги кунда маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ҳудуддаги мавжуд 13 та кўча ва улардаги 600 дан зиёд хонадон, савдо ҳамда ижтимоий соҳа объектларини замонавий қиёфага келтириш ишлари мутасадди ташкилотлар ва мутасаддилар томонидан бажариляпти.



Бунёдкорлик тадбирлари доирасида тасдиқланган “Йўл харитаси” бўйича айни кунларда маҳаллада 1 минг 200 метр масофадаги тупроқли йўлга шағал тўшалди. Аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини мунтазам қондириш мақсадида янги таянч устунлари келтирилиб, белгиланган манзилларга ўрнатилмоқда. Йўлсозлар томонидан эса Ўзбекистон кўчаси бўйлаб йўл четларига янги бетон тўсиқ (бордюр)лар ўрнатилмоқда. Шунингдек, маҳаллада газ таъминотини яхшилаш бўйича 1,2 километр газ қувури ва таянч устунлари тартибга келтирилди, 400 метр қувур бўёқланди. 120 метр газ қувури ҳамда 1 та ўрта босимли газ тақсимлаш қурилмаси демонтаж қилинди. Маҳалладаги мавжуд сув минораси атрофи ҳам тартибга келтириляпти. Ҳудуддаги мавжуд бўш турган майдонлар ва қаровсиз бино-иншоотлар ўрнида “Оталар чойхонаси”, “Маҳалла гузари”, болалар ўйингоҳлари каби кўркам ва замонавий, кўнгилочар объектларни бунёд этишга киришилди.

Шунингдек, туман ҳокимлиги, 2-сектор ишчи гуруҳи, соҳавий ташкилотлар вакиллари, маҳалладаги “бешлик”дан иборат ишчи гуруҳ томонидан хонадонма-хонадон юрилиб, аҳоли муаммолари ўрганилмоқда. Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг яшаш хонадонларини ҳомийлик ва ҳашар йўли билан таъмирлаб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Қолаверса, маҳалла ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасининг малакали шифокорлари томонидан мунтазам равишда тиббий кўриклар ўтказиш йўлга қўйилган.

Маҳаллани ҳар томонлама кўркам ва обод масканга айлантириш борасидаги белгиланган вазифалар туман ҳокими ва 2-сектор раҳбари, туман прокурори томонидан доимий назоратга олинган бўлиб, бажарилаётган ишлар самарадорлигини ошириш кунлик штаб йиғилишларида мувофиқлаштириб борилмоқда.

# Янги завод ишга тушди

**Риштон туманидаги “Бирлашган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Қаҳрамон” ғаллачилик кластери базасида 6 млрд сўм қийматга эга буғдойни қайта ишлаш лойиҳаси асосида янги завод ишга туширилди.**

Тадбиркор Исомиддин Ўринбоев ва туркиялик инвесторлар ҳамкорлигида эски трактор парки ўрнида фаолият бошлаган мазкур кластер томонидан ишга туширилиб, бир вақтнинг ўзида 60 тонна донни қайта ишлаш имконияти яратилган ун заводи риштонлик фуқаролар учун анча қулайликлар яратади.

Заводнинг ишга туширилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сектор раҳбарлари, вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидан келган мутахассислар, соҳага алоқадор ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Мазкур лойиҳа ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жараёнларни амалга ошириш баробарида ресурс тежамкорлигига эришиш, маҳсулот сифатини оширишга қаратилган. Завод жамоаси сифатли ун навлари, омихта ем, шунингдек, қолипли нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда туман аҳолисининг кундалик нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Завод ишга тушиши билан бу ерда 85 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди. Уларга етарли шароитлар яратилган. Ҳар бир ишчи-хизматчининг топширилган вазифага масъулият билан ёндашиши, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишини қўллаб-қувватлаш завод раҳбариятининг диққат марказида.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

# Қурилиш объекти ўрганилди

**Беҳзод АҲМАДКУЛОВ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Гулистон туманининг Юлдуз маҳалласида барпо этилаётган кўп қаватли уйлар қурилиши ҳозирда молиялаштириш жараёнида муаммо бўлаётганлиги сабабли битказилмасдан қолмоқда.**



Мазкур ҳолат 150 нафардан зиёд фуқаронинг эътирозларига сабаб бўлиб, мурожаатлар сони кундан кунга кўпаймоқда.

Гулистон тумани сектор раҳбарлари ушбу муаммонинг ечимини ўрганиш мақсадида кўп қаватли уй қурувчилари билан учрашиб, қурилиш жараёнини кўздан кечиришди. Шунингдек, қурилаётган кўп қаватли уйларни кенгайтириш ва ушбу хонадонларда истиқомат қиладиган фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида лойиҳани ўзгартириш борасида кўрсатма ва тавсиялар берилди.

# Мактабгача таълим соҳасига эътибор ортмоқда

**Мамлакат тараққиёти соҳалар ривожига боғлиқ. Айниқса, таълим-тарбия, илм-фан инсоният тамаддунининг тамал тоши, давлатни, миллатни буюк қиладиган ўзига хос куч ҳисобланади.**



Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида ҳам бу соҳага алоҳида эътибор берилиб, 2023 йил давомида 16 та янги мактабгача таълим ташкилоти, жумладан, 5 та давлат, 11 та оилавий боғча ташкил этилди. Бунинг натижасида 600 га яқин ўрин яратилди. Туманда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг қамров даражаси 2023 йил бошида 76 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йил бошида бу кўрсаткич 84,7 фоизга етказилди.

Ушбу кўрсаткични келгуси йилларда 100 фоизга етказиш кўзда тутилган. Бунинг учун ўнлаб давлат ва нодавлат муассасаларни қуриш, кадрлар малакасини ошириш мақсад қилиб олинган.

# Замонавий боғча фойдаланишга топширилди

**Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда сўнгги йилларда замонавий типдаги янгидан янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилмоқда.**

Хусусан, 2024 йил бошидан Гулистон туманининг Тажрибакор маҳалласида ҳам 5-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.



Янги мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросимида туман ҳокими Ўлмасжон Мамадаминов ва соҳа ходимлари, маҳалла нуронийлари иштирок этиб, замонавий бинода болажонлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдилар.

Қайд этилишича, ушбу муассасанинг лойиҳа қиймати 4 миллиард 220 миллион сўмни ташкил этиб, 150 ўринга мўлжалланган. Бу ерда 5 та гуруҳ фаолияти йўлга қўйилиб, болажонларнинг сифатли таълим-тарбияси учун барча шароит яратилган. Жумладан, ўйин майдончалари, машғулот хоналари, ошхона, мусиқа заллари замонавий тарзда жиҳозланган.

# Ховосда замонавий технопарк ташкил этилмоқда

**Ҳукуматнинг тегишли қарори билан Ховос тумани “Янгиер” МФЙ ҳудудида 10 гектар майдонда замонавий “Озиқ-овқат саноат технопарки” барпо этилмоқда.**



Технопарк фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида импорт ўрнини босувчи юқори қўшилган қийматга эга товарларни ишлаб чиқариш, хорижий давлатлар бозорларига қайта ишланган тайёр маҳсулотлар экспорт қилиш, хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш ва бошқа манбалар ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлаш ҳамда жамғаришни ташкил этиш, мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, шунингдек, божхона, банк, логистика, экспресс-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни амалга ошириш белгиланган.

Ҳудуд ички муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда шунингдек, маъмурий бино, иншоотлар, музлатгичли камералар ва омборлар ташкил этилиши, қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, калибрлаш, саралаш ва қадоқлаш бинолари барпо этилади.

Бугунги кунда саноат технопарки учун мўлжалланган ер майдони кичик саноат зонасига айлантирилиб, 12 та лотга бўлинган ҳолда онлайн савдога чиқарилди. Тадбиркорликни бошлаш арафасида турган ёки фаолиятини кенгайтириш истагидаги ишбилармонлар e-auksion.uz платформаси орқали ўзларига маъқул келган ер майдонини харид қилишлари мумкин.

OʻZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (761) 2024 йил 6 февраль

# Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз



**Ҳожиакбар ТОЖИБОЕВ,** Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бош мутахассиси.

– Шарқ марвариди дея, таърифланадиган гўзал Фарғона юртимиз ҳудудлари орасида ўзининг баҳаво табиати, соф иқлими ва мафтункор манзараси билан ажралиб туради. Ана шундай сўлим масканда туғилиб, ўсганимдан, билим олиб, улғайганимдан мамнунман. Мамлакатимиз ёшларининг бир вакили сифатида унинг бугунги тараққиёти ва келажаги учун миллионлаб ёшлар қатори мен ҳам масъулман.

Фарғона политехника институтининг Қурилиш факультетини тамомлаганман. Бугунги кунда масъулият ва фуқаролик бурчимни яхши англаган ҳолда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармасида Архитектура ва ҳудудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси бош мутахассиси сифатида фаолият юритиб келяпман. Тенгдошларим қатори олийгоҳда олган билимларим ва устозлардан ўзлаштирган сабоқларим ёрдамида вилоятимиз бунёдкорлик соҳасини янада ривожлантириш учун янгидан янги лойиҳалар яратишга ҳаракат қиляпмиз. Хусусан, “Экошаҳар” ва “Янги Ўзбекистон” массивларидаги улкан қурилиш ишларида жавлон уриб меҳнат қилаётган заҳматкаш қурувчилар билан бир сафда эканлигимиздан фахрлансак, арзийди.

Мен нафақат Фарғонани, балки бутун Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ерини муқаддас билиб, уни беғараз севаман. Унинг ривожи, гуллаб-яшнаши ва тараққиёти йўлида бор имкониятларимни сарф этишга тайёрман.

Зеро, Янги Ўзбекистонни бугунги кун ёшлари биргаликда қурамиз.



# “Асосий мақсадим – архитектор бўлиш”

## – дейди Сардорбек МУРОДОВ

Ўша кезлари Сардорбек болалар боғчасига қатнарди. Тенгдошлари турли ўйинчоқларни ўйнаса, у қоғозга бир нималарни чизар, ўзига ёқмаса йиртиб ташлаб, қайтадан яна бошларди. Бу ҳолатни бир неча кун зимдан кузатган тарбиячиси бир куни:

– Нималарнинг суратини чизяпсан, бизга ҳам ўргатасанми? – деб сўрайди.

– Бу уйчанинг шакли, катта бўлсам, шундай уй қурмоқчиман, – дейди унга жавобан болакай.

Сардорбекнинг бу интилиши ва ҳаракати тарбиячига маъқул келиб, ўзи ҳам унга ҳар хил чизмаларни ўргатишга ҳаракат қиларди. Ота-онасига фарзандининг чизганларини кўрсатиб, унга керакли шароит яратиб беришларини тайинлайди...

Бугунги кунда Сардорбек Муродов Тошкент шаҳридаги 172-мактаб ўқувчиси. Халқимиз “Бўладиган бола бошидан маълум”, деб бекорга айтмаган. Айни пайтда у барча фанларни пухта ўзлаштириш қаторида чизмачилик фанидан сабоқ берадиган устозининг энг севимли ўқувчиси ҳам. Келажакда архитектор бўлиш мақсадида соҳага дахлдор барча билимларни устозидан қунт билан ўрганмоқда. У фақат чизмалар билан чекланиб қолмасдан, спортнинг кикбоксинг ва қўл жангги билан ҳам мунтазам шуғулланиб, турли мусобақаларда фаол қатнашмоқда.

Икки йил аввал кикбоксинг бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги учун ўтказилган мусобақада вазндошлари орасида ғолиб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, орадан кўп ўтмай худди шундай тадбирда иштирок этиб, республика ғолиби бўлди.

– Спорт соҳасида 2023 йил мен учун жуда омадли келди, – деди у. – Спортнинг қўл жангги бўйича Осиё чемпионатида қатнашиб, вазндошларим орасида 1-ўринни эгалладим ва олтин медални қўлга киритдим. Мана шундай ютуқларга эришишимда энг аввало, юртимизда биз ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратиб берилаётган шароитларнинг ўрни катта. Ўзим ўқиётган мактабда нафақат спорт, балки бошқа фанларни ҳам мукаммал ўзлаштиришимиз учун етарли имкониятлар мавжуд: синфхоналар иссиқ ва замонавий таъмирланган. Компьютер хоналари ҳам муҳайё. Келажакдаги мақсадим – архитектор бўлиш. Бунинг учун ҳозирдан соҳага дахлдор китобларни кўп ўқишга ҳаракат қиляпман. Бундан ташқари, бўш вақтимда уйимиз ёнида қурилаётган кўп қаватли уйнинг муҳандисидан маслаҳатлар олиб, чизмаларимни у кишига кўрсатиб, ўз устимда ишлаяпман.

Албатта, ёшлигидан спорт билан шуғулланган, қолаверса, ўз олдига улкан мақсадларни қўйган Сардорбек каби ёшлар бор экан, Ўзбекистонимиз дунё сари дадил одим ташлайверади.

**Ўз мухбиримиз.**

**ЖАҲОН АРХИТЕКТУРАСИ**

# ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ҚУРИЛИШЛАР

**Дунё аҳолиси сони кўпайгани сайин Ер юзини ўзгартирадиган замонавий инфратузилма ва йирик қурилиш лойиҳаларига ҳам талаб ортиб бормоқда. Қуйида сиз дунё бўйлаб катта миқдорда маблағ сарфланган йирик қурилиш ишлари билан танишишингиз мумкин. Мазкур лойиҳалар мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва техника тараққиётига катта ҳисса қўшган.**

## ҚИРОЛ АБДУЛЛОҲ ИҚТИСОДИЙ ШАҲРИ



Саудия Арабистонидаги Қирол Абдуллоҳ иқтисодий шаҳри лойиҳаси дунёдаги энг кўзга кўринарли иқтисодий шаҳарлардан бири бўлиши учун замонавий архитектура услубини ўзида мужассам этган.

Икки миллионга яқин аҳоли яшаши учун мўлжалланган ушбу шаҳарни қуришга тахминан 20 йил керак бўлади. 2006 йилда бошланган қурилиш ишлари 2025 йилда якунланиши кутилмоқда.

Қирол Абдуллоҳ ибн Абдулазиз Ас-Сауд ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу шаҳар лойиҳасининг умумий қиймати 100 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

## ХАЛҚАРО КОИНОТ СТАНЦИЯСИ



Халқаро коинот станциясининг майдони футбол майдонидек катталикда ва оғирлиги 400 тоннага яқин.

Коинот станциясини Ерда қуриш ва кейин бирданига коинотга учириш мумкин эмас эди. Чунки ҳеч қандай ракета бундай оғирликни кўтариб учолмайди. Бу муаммони четлаб ўтиш учун Коинот станцияси Ердан 400 километр баландликка 40 дан ортиқ қисмга бўлакланиб олиб чиқилди ва бир қанча вақт давомида йиғилган.

Илм-фан ва технология соҳасидаги энг йирик халқаро лойиҳа Европа давлатлари, АҚШ, Япония, Канада ва Россия ҳамкорлигида амалга оширилгани айтилмоқда. Халқаро коинот станциясининг барпо этилишига 150 миллиард АҚШ доллари сарфланган.

## КЎРФАЗ ТЕМИР ЙЎЛИ



Ушбу темир йўл лойиҳаси Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Қатар, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларида амалга оширилади.

Кўрфазни араб давлатлари ҳамкорлик кенгашидаги мамлакатлар иқтисоди ва шаҳарлар ривожланишида янги қадам, дейиш мумкин. Бундай темир йўл лойиҳаларига инвестиция қилиш ўзига хос аҳамиятга эга.

Ушбу инфратузилмани ривожлантириш нефтдан тушган даромадлар ва бошқа сармоялар ёрдамида амалга оширилади. 2000 километрдан ортиқ масофада бўлиши режалаштирилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 250 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.



## NEOM CITY

NEOM city Саудия Арабистонининг анчайин катта ҳудудига тўғри келади ва у мамлакатнинг амалдаги ҳукмдори валиаҳд шаҳзода Муҳаммад ибн Салмоннинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 500 миллиард АҚШ долларига тенг.

Ҳукумат номидан сармоя киритувчи Давлат инвестиция фонди ушбу қурилиш лойиҳасининг асосий молиялаштирувчисидир. Қайд этилишича, бу иқтисодиётни ривожлантириш ва нефтга боғлиқликни камайтиришга қаратилган “Saudi Vision 2030” режасининг таркибий қисмидир.

**“Oʻzbekiston bunyodkori” мухбири Муродбек ҲАЙДАРОВ тайёрлади.**

# ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2024 йил февраль ойининг илк ҳафтасида таваллуд айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Хўжалик ишлари бўлими хизмат хоналари фарроши **Мухтабар Юсупова,**

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” Давлат муассасаси ҳайдовчиси **Усмон Маҳмудов,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош режаларни амалга ошириш ва объектларни жойлаштириш бўйича архитектори **Бахтияр Узакбаев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи бўлим бошлиғи **Феруз Эгамбердиев,**

Жиззах вилояти, Зомин тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Муҳиддин Ниязов,** Мирзачўл тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Акбар Абдиев,** Жиззах шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Мирзоҳид Ачилов,**

Навоий вилояти, Кармана тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Рихситилло Холмўминов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Юридик хизмат бўлим бошлиғи **Карим Каримов,** Қурилиш-синов лабораторияси ва бино-иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш бўлими етакчи мутахассиси **Маъруф Мирзаев,**

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Маъмуржон Дўсанов,**

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” DM Сирдарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Моҳидил Холбоева,**

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги “Уй-жой қурилиш БСК” МЧЖ бош директори **Алишер Джўраев,**

Фарғона вилояти, Қувасой шаҳридаги “Коммунал таъмир” МЧЖ бош директори **Неъмат Абдуллаев,**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги “Fahrli-Kommunal-Servis Professeonal Boshqaruv Kompaniyasi” бош директори **Абдимурод Сафаров**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
OʻZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 99-831-11-15.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-241.
1771 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни – 22.40.
Топширилди – 23.10.

1 2 3 4 5 6